



XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

2021 - yil 25 - dekabr

VI-52-111-7-0-K/21

Samarqand viloyat hokimligi

**Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган
ерлар учун шаҳар ва туманлар кесимида иқтисодий ижтимоий
ривожланишига қараб ер солиги ставкаларини белгилаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (06/04-01-32-сон) ва Давлат солиқ қўмитасининг (19/10-68220-сон) 2021 йил 8 ноябрдаги қўшма топшириқларини инобатга олиб, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ, эллик иккинчи сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун 2022 йилда юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган ер солиги ставкалари миқдори 1-иловага;

Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун 2022 йилда жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиладиган ер солиги (дехқон хўжалиги юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлардан ташқари) ставкалар миқдори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада

такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони билан, халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашларига 1-2-иловалар билан белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш хукуки берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Анваров) ушбу қарорни “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарида расман эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий вебсайтига ҳамда Lex.uz Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасига жойлаштирилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари (Ж.Ураков) зиммасига юклансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган қундан эътиборан кучга киради

Кенгаш раиси



Э.Турдимов

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2021 йил 25 декабрдаги
VI-52-111-7-0-K/21-сон қарорига
1-илова

**Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун
2022 йилда юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган ер солиғи
ставкалари миқдори**

T/P	Ҳудудлар номи	Камайтируви ва оширувчи ставка
1.	Самарқанд шаҳар	1,30
2.	Каттақўргон шаҳар	1,15
3.	Оқдарё тумани	1,01
4.	Булунғур тумани	1,01
5.	Жомбой тумани	1,10
6.	Иштихон тумани	1,01
7.	Каттақўргон тумани	1,01
8.	Қўшработ тумани	1,00
9.	Нарпай тумани	1,01
10.	Пайариқ тумани	1,01
11.	Пастдарғом тумани	1,05
12.	Пахтачи тумани	1,00
13.	Самарқанд тумани	1,10
14.	Нуробод тумани	1,00
15.	Тойлоқ тумани	1,05
16.	Ургут тумани	1,10

*Вилоят бўйича юридик шахслар учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун 1 га учун базавий солиқ ставкаси 35,0 млн сўм белгиланган

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2021 йил 25 декабрдаги
VI-52-111-7-0-К/21-сон қарорига
2-илова

**Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар
учун 2022 йилда жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиладиган ер солиги
(дехқон хўжалиги юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун
мўлжалланмаган ерлардан ташқари) ставкалар миқдори**

T/P	Худудлар номи	Камайтируви ва оширувчи ставка
1.	Самарқанд шаҳар	1,25
2.	Каттақўргон шаҳар	1,10
3.	Оқдарё тумани	1,01
4.	Булунғур тумани	1,01
5.	Жомбой тумани	1,01
6.	Иштихон тумани	1,01
7.	Каттақўргон тумани	1,01
8.	Қўшработ тумани	1,00
9.	Нарпай тумани	1,01
10.	Пайариқ тумани	1,01
11.	Пастдарғом тумани	1,01
12.	Пахтаки тумани	1,00
13.	Самарқанд тумани	1,05
14.	Нуробод тумани	1,00
15.	Тойлоқ тумани	1,01
16.	Ургут тумани	1,01

*Вилоят бўйича 1 кв.м учун базавий солик ставкаси 320,2 сўм етиб белгиланган